

Хотиралар... Бундан ўттиз йиллар олдин содир бўлган, хотирам кўзгусидан ўчмаган воқеалар кўз олдимдан пириллаб ўтди.

Баъзи кишиларнинг тутинган акаси, укаси, опаси ёки синглиси бўлади. Укам Шерматжон билан Тошкентда олий-ўқув даргоҳида бирга сабоқ олган тожикистонлик Эшназар деган лақай йигит хонадонимизнинг азиз меҳмонларидан саналарди.

Қизим Гулмираойнинг этаклари ва енгларига турли рангдаги ипаклардан босма кашта тикилган оқ сатин кўйлагига меҳри бўлакча:

– Қулупнай кўйлаккинам, – дерди у.

– Опо, бу кўйлакча сингилларимдан қизингизга совға. Айлана қалпоқ битмади-да, янаги сафарги таътилимда келтираман. Ана унда кўринг, Гулмираойни, – дерди Эшназар қизимни эркалаб.

Эшназар онаси, опаси, синглисини ғоят ҳурмат қилади. Байрам кунларида дастурмолчами, атирми олиб уларни йўқлашни унутмайди. Қишлоғидан қайтгач эса белқарсдан тўртта товатош нонни чиқариб:

– Опо, поччо, онам сизлар учун пиширтирди, – дейишни ҳам унутмайди.

Биз эса тутун иси анқиб турган нонни ноёб, тиллага топилмас совғадек қабул қиламиз. Асло хаёлингиз бузилмасин. Гап тўртта нон ёки кўйлакчада эмас. Сизга кимдир илинса, эсласа – кўнглингиз равшан тортмайдими? Бундан ортиқ нима керак инсон учун?

Эшназарга уйланишдан гап очсангиз кафтларини бир-бирига ишқалаганча завқи келади:

– Опо, поччом билан тўйимга борасизлар, ўзим бошлаб кетаман. Эҳ-ҳе кўринг миш-мишни. Тўй бир томону

Энамнинг тўлиғиб айтган гапларидан юрагим тошади.

– Энажон, тўйга бирга борамиз, – дейман товушим тўлқинланиб.

Эшназар ҳар сафар юртидан кўнғироқ қилиб тўй яқинлашаётганини айтган-

МЕНИНГ ЛАҚАЙ УКАМ

сизлар бир томон. Бизнинг қишлоқнинг тўйлариниям бир кўринг-да, – деб бизни кулдиради.

Тоғлик лақайлар келин-кўёвни таърифлаб мана бундай айтимлар айтар эканлар.

Монг монг босиб, монг босиб¹,

Икки оёғин тенг босиб.

Моячадай² онгишлаб³,

Ҳарвонадай⁴ қўл ташлаб,

Қоғоздай лабини тишлаб.

Қилдай белини ушлаб,

Қирқ жўраси пўш-пўшлаб.

Турли гуллардан осиб,

Осган гули муносиб.

Босган изи гул сасиб⁵.

Босган жерлар милладар⁶,

Босмаган жер гинадар.

Босмаган жер ҳаптагача умидвор.

Қирқин қизлар ҳурдай бўлиб

Бўйи-тенги бирдай бўлиб.

Ҳайкалчани мунчоқлаб,

Рўмолини чочоқлаб.

Аста чиқди кўшкига,

Бахмал кўрпа ташлади,

Энди тўйни бошлади.

Ё, Олло деб икки ёш,

Бир-бирин кўлин ушлади...

Эшназарнинг маталларини эшитиб биз кулсак, онам – бошидан кўп кўргуликларни кечирган Хадича момо кўнгиллари ўқиб эслайдилар:

– Совет келиб “сен қулоқсан”, дедида турди. Отам Худойқулговбойнинг чакмони барига кўзимиздинг шўрбасини оғизиб моманг, эти қотмаган, етти яшар Ҳасан-Ҳусан тоғаларинг, беш яшар мен Тожикистоннинг узоқ қишлоғи, лақайлар элига сургун бўлдик. Егудай нон қайда? Отам кекса, касалманд. Моманг тикиб сотган жўрма пулига қора қозон илла қайнайди. Лақайлар билан гаплашма, ҳамсоя товоқ олишма, дейди бизди кўрувчилар. Лекин улар кўздан сал пана бўлса, девордан иккитагина кўма лавлаги “тап” этиб ҳовлига тушади, девор тўйнуғида яримта қора нон пайдо бўлади. Ҳалиям чавандоз тоғаларинг улоққа миниладиган отни лақайлардан олиб келади....

да, бой бобом ва лақайлар байбича, деб эъозлаган момонинг руҳи поклари ҳурмати учун тўйга борамиз, деб ўйлардик.

Афсус, тўй бўлмади. Тўксонинчи йилларнинг бошларида Тожикистонда содир бўлган урҳо-сурлар тоғлар бағридаги овлоқ овулларни ҳам четлаб ўтмади. Тўйнинг, хурсандчиликнинг мавриди эмас эди. Қиз томоннинг розилиги билан ёр-ёрсиз, юмалоқ ёстиқ тариқасида, тўрт ҳамсоя чорланиб, бир товоқ ош дамладилар-да келин билан Эшназарни никоҳладилар.

– Опо, поччажон, Ўзбекистондаги тинчликнинг қадрига етинглар, – дейди ҳар сафар кўнғироқ қилганда Эшназар.

Ёнган оловдан кул қолади, дейдилар. Ҳув, ўша бундан ўттиз йиллар олдин содир бўлган талотўпли, отишмали кунлардан Тожикистон халқи қалбида унутилмас дард, ҳасрат қолди. Иқтисодий ва маънавий зарарни айтинг.

Бир куни кечки пайт Эшназар сим қоқди:

– Опо, поччо қизчалик бўлдим. Су-

юнчи беринглар. Шуни сизларга айтай, дедим, – қувончлади қадрдон овоз.

Қаранг, ҳаёт фалсафаси, табиат қонунини ўзгартиришга, синдиришга уруш ҳам ожиз қоларкан. Тирикликнинг азалий ва абадий қонуни давом этмоқда – Инсон дунёга келяпти.

...Чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида юрагимнинг туб-тубида яшаган, менга оғриқ берган хотираларим телефон кўнғирогининг чўзиб жиринглашидан ёзги булутдек тарқаб кетди. Гўшақдан ўғлим Бахтиёржоннинг овози эшитилди:

– Аяжон, эшитдингизми, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Тожикистон чегаралари очилибди. Энди бемалол бориб-кела оламиз. Истайсизми, сиз билан дадамни ўзим олиб бориб келаман, – деди у суюниб.

Энди кутганимдек, яна телефон кўнғироғи чўзиб жиринглайди:

– Опо, поччо, сизларни меҳмонга чорлайман. Неварачали бўлдим, тўнғичим ўғилчали бўлди, – дейди қадрдон овоз.

Мен эса бу хушхабарни эшитиб севинчдан шошилиб қоламан. Қошлари қалам, оҳу кўзли Нисоларим, Зебуннисоларим, Шаҳрибонуларим, Шамсиқамарларим... Мен йўлларига райҳон сепиб кутаётган омон-омон кунлар, дориломон кунлар ниҳоят келди. Ўттиз йилдан буён мен интиқлик билан кутган кун кулимсираб рўпарамда турибди. Тўсатдан келган шодлик қошида каловланиб қоламан. Лақай момоларим, боболарим. Биз сизнинг иссиқ дийдорингиз томон

шошяпмиз.

Ана энди гўзал истакларимизни Эшназарнинг невараси бешиги бошида адо этамиз. Шунда мен олису яқинлар даврасида Эшназар оғамни:

– Менинг лақай укам бор, – дея фахрланиб таништираман.

Қош-кўзи тусдай қора тоғлик болакай эса:

– Тошкент деган элда менинг ўзбек оғам бор. Ҳеч кимда бундайин оға йўқ, – деб ғурурланиши тайин.

Қулогим остида Эшназарнинг гоҳо қувонч, гоҳо ташвиш акс этиб турадиган қадрдон товуши жаранглаб кетгандай бўлди:

– Опо, поччо, бизнинг қишлоққа қачон келасизлар?

– Борамиз, албатта борамиз. Қариндошимдай қадрдон лақай укамни, унинг оиласи, фарзандларини кўриб келамиз, – шивирладим мен.

Радиода эса Тожикистон ва Ўзбекистон халқи учун бирдай хуш ёқувчи ҳофиз Жўрабек Муродов ўша машхур, жонбахш кўшиғини баланд пардада куйларди.

Мен тожик фарзандиман,

Мен ўзбек ўғломиман...

Гулжаҳон МАРДОНОВА,
журналист.

¹ Қаттиқ-қаттиқ юриб

² Туянинг боласи

³ Пайт пойлаб

⁴ Юк ташийдиган туя

⁵ Гул ҳиди анқиб

⁶ Миннатдор